

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«29 » апрель 2019 у.

№ 364

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи  
ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига  
хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган  
заарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш хақида**

“Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ давлат божхона хизмати органлари ходимларининг ёки уларнинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

1. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “29” апрелдаги 364-сон  
қарорига илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи  
ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат  
мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг  
ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходимининг (кейинги ўринларда ходим деб аталади) ёки унинг яқин қариндошларининг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотинлар, фарзандлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари ва опа-сингиллари) мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ходимнинг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига етказилган заарнинг ўрни ходимнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида етказилган тақдирдагина қопланади.

Мазкур Низом давлат божхона хизмати органларидан пенсияга чиқарилган шахсларга, агар заар уларнинг ёки яқин қариндошларининг мол-мулкига давлат божхона хизмати органларидаги хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлса, татбиқ этилади.

**2-боб. Заарни қоплаш масаласини кўриб чиқиши тартиби**

3. Мазкур Низомни амалга ошириш мақсадида ходимнинг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш масаласини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратида, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича божхона бошқармаларида, “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси, Божхона институти ва Миллий кинология марказида (кейинги ўринларда божхона органлари деб аталади) конун ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фаолият кўрсатувчи комиссиялар тузилади.

4. Комиссия таркиби божхона органининг тегишли хизматлари ходимларидан ташкил топади ва божхона органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

5. Заар ўрнини қоплаш бўйича тегишли ҳужжатларни йиғиши ва расмийлаштириш божхона органларининг Кадрлар бошқармаси ва жойлардаги кадрлар бўлимлари (кейинги ўринларда кадрлар хизматлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

6. Ўз мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш мақсадида ходим ёки унинг яқин қариндошлари божхона органи раҳбари билдириги (ариза) билан мурожаат қиласди.

Ариза у келиб тушган куннинг ўзида божхона органи раҳбари томонидан кадрлар хизматига йўналтирилади.

7. Мол-мулкка етказилган заарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги билдириги (ариза) келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддатда божхона органининг кадрлар хизмати томонидан тегишли комиссияга қуидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш ҳақида ходимнинг билдиригиси ёки унинг яқин қариндошларининг аризаси;

мол-мулкига зарар етказилган ҳолатлар бўйича текширув хulosаси;

мол-мулкига етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар.

8. Комиссия томонидан ҳужжатлар улар тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда баён билан расмийлаштирилади.

9. Ҳужжатларни кўриб чиқиши натижаси бўйича мол-мулкка етказилган заарнинг ўрни қопланиши ёки уни қоплаш рад этилиши тўғрисида комиссия қарори қабул қилинади ва божхона органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган баён билан расмийлаштирилади.

10. Комиссия қарори уч кун муддатда манфаатдор шахсларга етказилади.

11. Комиссия раиси ва аъзолари заарнинг ўрнини қоплаш ёки қоплашни рад этиш тўғрисидаги комиссия қарорининг қонунийлиги ва тўғри қабул қилинганлигига масъул ҳисобланади.

### **3-боб. Заарнинг ўрнини қоплаш тартиби**

12. Мол-мулкка етказилган заарнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш, божхона органи томонидан баҳолаш ташкилоти жалб қилинган ҳолда, мол-мулкига зарар етказилган шахснинг иштирокида амалга оширилади. Бунда зарар миқдори унинг ўрнини қоплаш вақтида амал қилаётган бозор нархларидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

13. Ҳисоб-китоблар нақд пул кўринишида ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Зарар натура шаклида, тенг қийматдаги мулкни бериш, уни таъмилаш ёки бошқа кўринишларда ҳам қопланиши мумкин.

Мазкур Низомда назарда тутилган тўловлар божхона органларининг молия-иктисодиёт хизматлари томонидан амалга оширилади.

14. Мол-мулкка етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг, ушбу заарнинг ўрни божхона органлари томонидан ўн кун муддатда манфаатдор шахсларга қоплаб берилиши лозим.

15. Мол-мулкка етказилган заарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади ва кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

#### **4-боб. Заарни айбдор шахслардан ундириш тартиби**

16. Ходимнинг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаган божхона органи бу билан боғлиқ ҳаражатларни зарар етказилиши учун айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслардан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундириш чораларини кўради.

Бунда айбдор шахсларни топиш мақсадида ваколатли органларга тегишли сўровномалар юборилиши ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа зарур тадбирлар амалга оширилиши мумкин.

17. Божхона органлари молия-иқтисодиёт хизматлари томонидан заарнинг ўрни қопланган кундан бошлаб икки кун муддатда заарнинг ўрни қопланганлигини тасдиқловчи хужжатлар (тўлов топшириқномаси, чиқим касса ордерлари, тўлов ведомстлари ҳисоб-фактура ва бошқалар) нусхалари тегишли божхона органининг юридик хизматига айбдор шахслардан зарар суммасини ундириш чораларини кўриш учун тақдим этилади.

18. Божхона органларининг юридик хизматлари заарнинг ўрни қопланганлигини тасдиқловчи хужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун муддатда

айбдор шахсларга нисбатан даъво (карши даъво) киритиш учун қонун хужжатларда белгиланган тартибда зарур хужжатларни расмийлаштиради ва уларга нисбатан даъво (карши даъво) киритиш чораларини кўради;

судларда тегишли божхона органи вакили сифатида иштирок этади;

ундиришга қаратилган, лекин ундирилмай қолган маблағларни (айбдор жисмоний шахс вафот этган, I гуруҳ ногиронлик рўйхатига киритилган ҳолларда) маблағларни ҳисобдан чиқариш учун суд қарорлари ёки бошқа хужжатларни тегишли божхона органининг молия-иқтисодиёт хизматига тақдим этади;

ўз ваколати доирасида заарнинг ўрнини қоплаш ҳаражатларини ундириш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга оширади.

19. Ходимнинг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича низо ва келишмовчиликлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

20. Ходимнинг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича низо ва келишмовчиликлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини коплаш тартиби тўғрисида низомга  
**ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини коплаш СХЕМАСИ**

| Боскичлар | Субъектлар  | Амалга ошириладиган тадбирлар номи  | Бажариш муддати   |
|-----------|---|---|---|
| 1-боскич  | Божхона органи ходими, унинг яқин қариндошлари, айбор шахс  | Мол-мулкка ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарар ҳолатини аниқлаш.  | Зарар етказилган вақтда                                 |
| 2-боскич  | Қўмитанинг марказий аппарати, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология маркази                 | Мол-мулкка ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарар ҳолатини ўрганиш учун зарурӣ ҳужжатларни комиссияга киритиш. | Уч кун муддатда   |
| 3-боскич  | Қўмитанинг марказий аппарати, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология марказидаги комиссиялар | Тақдим этилган ҳужжатларни комиссияда кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш.   | Ўн беш кун муддатда                                     |
| 4-боскич  | Қўмитанинг марказий аппарати, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология марказидаги комиссиялар | Комиссия қарорини манфаатдор шахсга етказиш.  | Уч кун муддатда   |
| 5-боскич  | Қўмитанинг марказий аппарати, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология маркази                 | Етказилган зарарни манфаатдор шахсларга коплаб бериш.   | Комиссия қарори қабул қилинганидан сўнг ўн кун муддатда |

6-боскич

Кўмитанинг марказий аппарати,  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент  
шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК,  
Божхона институти ва Миллий кинология маркази

7-боскич

Кўмитанинг марказий аппарати,  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент  
шаҳри бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК,  
Божхона институти ва Миллий кинология маркази,  
давлат ижрочилари

Етказилган заар қопланганлигини тасдиқловчи  
хужжатларни тақдим этиш ва харажатларни  
айбдор шахслардан ундириш бўйича суд  
органларига даъво (кариши даъво) киритиш.

Тасдиқловчи  
хужжатлар тақдим  
этилганидан сўнг ўн  
кун муддатда

Етказилган зарарни айбдор шахслардан  
ундириш.

Суд қарорида  
белгиланган муддатда

